

# ЯНГИ

# ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 116 (1442), 2025 йил 8 июнь, якшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



## ИСТИҚБОЛЛИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 июнь куни “Al Mirqab Capital” компанияси бошқаруви раиси Ҳамад бин Жассим Ол Соний ва “Blackrock” инвестиция компанияси катта бошқарувчи директори Адебайо Огунлесидан иборат хорижий инвесторлар делегациясини қабул қилди.



Ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва мамлакатимизда истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлат-хусусий шерикликда йирик инфратузилма ва санот лойиҳаларини амалга ошириш, шу жумладан, газ ҳамда электр тармоқлари, сув таъминоти тизимини модернизация қилиш, энергия ишлаб чиқариш ва тўплаш қувватлари, катта тезликда ҳаракатланишга мўлжалланган темир йўлларни қуриш, кўчмас мулк объектлари ва бизнес инфратузилмасини барпо этиш устувор йўналишлар сифатида белгиланди.

Музокаралар якунида истиқболли лойиҳаларни тизимли илгари суриш бўйича “йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислоҳ Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф 7 июнь куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда бутун мусулмон уммати учун муқаддас Қурбон ҳайити — Йил ал-Адҳо муносабати билан бир-бирини самимий табриқладилар. Етакчилар дўст Ўзбекистон ва Покистон халқларига фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Покистон Бош вазирининг жорий йил февраль ойида Ўзбекистонга тарихий ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш натижалари муҳокама қилинди.

Стратегик шериклик изчил мустаҳкамлаб бораётгани, турли даражалардаги мулоқот ва алмашинувлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро савдо ва юк ташишлар ҳажми сезиларли ортиб, тўғридан-тўғри авиақатновлар кўпаймоқда. Фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, логистика ва бошқа

йўналишларда лойиҳалар амалга оширилмоқда. Лаҳор ва Карачида савдо уйлари ташкил этилган.

Жорий йилга режалаштирилган Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва бизнес форумини самарали ўтказиш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ва Покистон етакчилари минтақавий кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

ЎЗА



### “Ўзбекистон — 2030” стратегияси

Дунё статистикасига кўра, 2024 йилда фармацевтика тармоғи умумий ҳисобда қарийб 1,8 триллион доллар савдо айланмасига эга бўлган. Мамлакатимизда ҳам ушбу тармоқ кенгайиб, аҳолининг унга талаби ошмоқда. Бу эса, ўз навбатида, юртдошларимизни сифатли, хавфсиз, ҳар томонлама кафолатланган дори-дармон билан таъминлашни талаб этади.

## СЛОВАКИЯ БОШ ВАЗИРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Словакия Республикаси Бош вазири Роберт Фицо 8-10 июнь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Тошкент шаҳрида олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтади. Ўзбекистон — Словакия кўп қиррали ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади.

Устувор йўналишлар — савдо, инвестиция ва инновациялар, қишлоқ хўжалиги, санот, энергетика, туризм соҳаларида шерикликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси, маданий-гуманитар ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилади. Халқро аҳамиятга молик

масалалар, жумладан, кўп томонлама майдонларда ўзаро қўллаб-қувватлаш юзасидан фикр алмашилади.

Етакчиларнинг учрашуви якунида Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

Ташриф доирасида Словакия Бош вазири Роберт Фицо IV Тошкент халқаро инвестиция форумида ҳам иштирок этади.

ЎЗА

## БОЛГАРИЯ ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Болгария Республикаси Президенти Румен Радев 9-11 июнь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, икки мамлакат етакчиларининг музокаралари, расмий ва ишбилармонлик тадбирлари ўтказилиши, қатор икки томонлама битимлар имзоланиши режалаштирилган.

Ўзбекистон ва Болгария Президентлари ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантириш, шу жумладан, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, агросаноат мажмуи,

фармацевтика тармоғи, кончилик, рақамлаштириш соҳаларида кооперацияни йўлга қўйиш, туризм ва маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтириш масалаларини кўриб чиқадилар.

Болгария Президенти Румен Радев IV Тошкент халқаро инвестиция форумида ҳам иштирок этади.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН — СЛОВАКИЯ: КЕНГ ИМКОНИАТЛАР АСОСИДАГИ ИККИ ТОМОНЛАМА ИЗЧИЛ МУНОСАБАТЛАР

Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Словакия Бош вазири Роберт Фицо 8-10 июнь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.



Ўзбекистон ва Словакия ўртасида дипломатик муносабатлар 1993 йил 1 январда ўрнатилган. Икки давлат ўртасидаги алоқалар узоқ вақтдан бери йирик форматлар соясида қолиб кетганига қарамай, бугунги кунда мулоқотни институционаллаштириш ва тартибга солиш борасида изчил ривожланиш кузатилмоқда. Ўзбекистон ташқи сиёсати стратегиясининг фаоллашуви ва Европа Иттифоқи-


нинг Марказий Осиёга қизиқиши ортиб бораётгани фонида расмий Тошкент ва Братислава ўртасидаги муносабатлар янги гача суръат олди.

Халқро майдонда мамлакатлар БМТ, ЕХҲТ, Европа кенгаши, шунингдек, глобал барқарор ривожланиш кун тартиби билан боғлиқ тузилмалар доирасида ҳамкорлик қилади.

➤ Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН — БОЛГАРИЯ: АНЪАНАВИЙ МУЛОҚОТ ВА СТРАТЕГИК ҚИЗИҚИШНИНГ ЯНГИ ЎСИШ БОСҚИЧИДА

Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан 9-11 июнь кунлари Болгария Президенти Румен Радев расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.



Ўзбекистон ва Болгария ўртасидаги муносабатлар чуқур тарихий илдизларга бориб тақалади. Олимларнинг таъкидлашича, ўзаро алоқалар Буюк ипак йўли давридан бошланган. Миграция, савдо ва маданий ришталар билан уйғун бундай яқин боғлиқлик ўзаро манфаатдорлик ва ҳурмат асосига айланди.

Икки давлат ўртасидаги замонавий дипломатик муносабатлар

1992 йил 25 сентябрда ўрнатилди. Шундан буён расмий Тошкент ва София ўртасида сиёсий мулоқот изчил ривожланиб бормоқда. Хусусан, кейинги йилларда бу фаоллик янги динамика касб этиб, икки томонлама муносабатларга сифат жиҳатдан ўзгача тус берди.

➤ Давоми 2-бетда

## СОҒЛИҚ — КЎПНИКИ

Барқарор тараққиёт учун соғлом турмуш тарзи қанчалик муҳим?



Нега бу тизимлаштирилиши, назорат остида бўлиши керак? Чунки иссиқ жон борки, иситмасиз бўлмайди, яъни касал бўлишимиз табиий. Бошқача айтганда, дори-дармонга муайян эҳтиёжимиз бўлади. Лекин шамолла-сак ёки бетоб бўлиб қолсак, шифокор кўригига боришга эриниб, дарҳол ўз билганимизча муолажаларга киришамиз. Ҳозир билган ёки яқинларимиз маслаҳатига қараб, жуда бўлма-са, турли рекламаларда кўзимиз тушган дори харидига шошиламиз.

Ваҳоланки, касал бўлмаслик, унинг барвақт олдини олиш учун соғлом турмуш тарзига амал қилиш кундалик тутумларимиздан чиқиб кетаётгандек гўё. Шу маънода, бу йилги давлат дастурида жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бўйича катта вазифалар белги-лангани айни муддао. Бунга кейинроқ тўх-талиб ўтамиз.

➤ Давоми 3-бетда

## КИТОБ, МУТОЛАА, КУТУБХОНА

КИМ АХБОРОТГА ЭҒАЛИК ҚИЛСА, ДУНЁНИ БОШҚАРАДИ

Шиддатли глобаллашув жараёни сиёсат, иқтисодиёт, маданият, қўйинги, ҳаётимизнинг ҳамма жабҳасини камраб олиб, нафақат жамият манзарасини, айни пайтда инсонлар руҳияти, тафаккурини ҳам ўзгартириб юбормоқда. Жумладан, китоблар, мутолаа ва кутубхоналарга қарашларни ҳам. Лекин ижодий куч-қувват, бебаҳо билим, маърифат манбаи бўлган китоб ва кутубхоналар ўз ўрнини сақлаб қолишига шубҳа йўқ.

Шу мавзуда сўз юритилганда, уни технологиялар, интернет билан боғлаб хулоса чиқариш одат тусига кирган. Истаимизми-йўқми, ҳозир бу икки воситани боғламас-ликнинг иложи йўқ. Аслида, интернетни

яратиш гоёси ҳам китобларда жамланган билимларни ўзлаштириш туфайли пайдо бўлган.

➤ Давоми 6-бетда

# ЎЗБЕКИСТОН — СЛОВАКИЯ: КЕНГ ИМКОНияТЛАР АСОСИДАГИ ИККИ ТОМОНЛАМА ИЗЧИЛ МУНОСАБАТЛАР

Бошланиши 1-бетда

Словакия анъанавий тарзда Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, сув ва атроф-муҳит соҳасидаги ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган ташаббусларини, шунингдек, таълим ва гендер тенглиги соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди.

Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси доирасида Словакия Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган Марказий Осиёда ҳамкорликни мустақамлаш бўйича резолюцияни қўллаб-қувватлади. Ўз навбатида, Ўзбекистон Словакиянинг ЕХХТ доирасидаги сайё-ҳаракатларини, жумладан, расмий Тошкент ташқи сиёсати устуворликларига мос келадиган мавзулар — транспарентлик, қонун устуворлиги ва маданиятлараро мулоқотга алоҳида эътибор қаратилган 2019 йилдаги раслигини юқори баҳолади.

Парламентлараро мулоқот ҳам изчил ривожланмоқда. 2023 йил апрель ойда Словакия Миллий кенгаши раиси Борис Коллар бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ташриф давомида Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасида учрашувлар ўтказилди.



2025 йил март ойда Олий Мажлисда Словакия Миллий кенгаши билан ҳамкорлик бўйича 13 нафар парламентарийдан iborat парламентлараро гуруҳ тузилди. Словакия парламентида ҳам Ўзбекистон Олий Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича ана шундай гуруҳ фаолият кўрсатмоқда.

Икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари ўртасидаги фаол мулоқот турли соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш учун мустақам замин яратяпти.

Икки давлат ТИВ раҳбарлари Тошкентда, шунингдек, йирик халқро тадбирлар доирасида бир неча бор учрашув ўтказди. Томонлар мунтазам равишда ташқи ишлар вазириликларини раислар билан мулоқотларни ўтказиб, икки томонлама кун тартибининг ва халқро ташкилотлар доирасидаги шерикликни мувофиқлаштириш масалаларини муҳокама қиладилар. Бундай маслаҳатлашувларнинг бешинчи раунди 2025 йил 14 январьда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, икки давлат ўртасидаги савдода энг қулай режим ўрнатилган. Ўзаро савдо ҳамжи кам бўлишига қарамай, ҳар икки давлат барқарор иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор. Хусусан, машинасозлик, фармацевтика, энергетика, телекоммуникациялар

ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалар Ўзаро ҳамкорлик учун истиқболли йўналишлар сифатида кўрилмақда.

Иқтисодий шерикликни ривожлантириш истиқболлари Ўзбекистон делегациясининг 2023 йил август ойда Словакияга ташрифи давомида ҳам тасдиқланди. Ўзбекистон — Словакия бизнес форуми, шунингдек, Словакия Иқтисодиёт вазириликни ривожлантириш агентлиги бош директори Роберт Шимонич, Савдо-саноат палатаси раиси Петер Михок ва йирик словак компаниялари раҳбарлари ўртасидаги учрашувлар жуда самарали кечди ҳамда улар икки давлат ишбилармон доираларининг яқинлашувиغا туртки бўлди.

Словакия компаниялари Ўзбекистонни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича МДХ мамлакатларида қиқиш имкониятига эга салоҳиятли бозор деб билади. Ўз навбатида, ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар Словакиядан технологик ечимлар ва сармояларни жалб қилишдан манфаатдор.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Словакия капитални иштирокида олтига, шу жумладан, 100 фоз хорижий сармоя иштирокидаги тўртта корхона фаолият юритмоқда. Икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни тартибга солуви механизми аввал Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Словакия ҳукуматлараро комиссияси эди. Бугунги кунга қадар ҳукуматлараро комиссиянинг учта йиғилиши ўтказилган.

Ўзоқ танаффусдан сўнг жорий йил 5 май кунини Тошкентда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, Словакия ҳукумати раҳбари Роберт Фицо ва ушбу мамлакат ишбилармон доиралари делегацияси мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтадиган IV Тошкент халқро инвестиция форумида иштирок этиди. Иқтисодиёт ва инвестициявий соҳалардаги алоқаларни чуқурлаштиришга қаратилган сиёсий ироданинг бундай ёрқин ифодаси ўз самарасини бериб, барқарор ва ўзаро манфаатли иқтисодий шерикликни ўрнатишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, икки давлат ҳам транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Словакия Транскаспий йўналиши ва “Global Gateway” ташаббуси доирасида Ўзбекистон

экспорти учун муҳим марказга айланиши мумкин.

Ўзбекистоннинг очиклик сиёсати доирасида Словакия фуқаролари учун бизнес ва туристик алмашинуви кенгайтириш мақсадида 2019 йилдан бошлаб 30 кунгача бўлган муддатта визасиз кириш тартиби амал қияпти.

Сўнги пайтларда миграция соҳаси Ўзаро ҳамкорликнинг янги йўналишларидан бирига айланди. Жумладан, жорий йил 3-6 март кунлари Ўзбекистон Миграция агентлиги делегацияси ишчи ташриф билан Словакияга бўлди. Ташриф доирасида ушбу мамлакат Таълим вазириликдаги учрашув ва Словакия Иқтисодиёт вазирилик, Савдо-саноат палатаси ва ишбилармон доиралар вакиллари иштирокида Ўзбекистон — Словакия форуми бўлиб ўтди. Делегация аъзолари рекрутинг компаниялари билан ҳам учрашувлар ўтказди, унинг якунлари бўйича Словакия Иш бевувилик федерацияси ва Кадрлар агентликлари ассоциацияси билан ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

1997 йил ноябрь ойда имзоланган Ўзбекистон ва Словакия ўртасидаги маданият ва санъат соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимга асосан маданият йўналишида делегациялар алмашилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон ва Словакия делегатлари икки давлатда ташкил этилаётган халқро маданий тадбирларда мунтазам иштирок этипти.

2014-2015 ўқув йилидан бошлаб Словакия ҳукумати Ўзбекистонни ушбу мамлакат олий таълим муассасаларида тахсил олиш учун стипендия олзуви давлатлар қаторига кирипти. Ушбу дастурда талабалар, ёш тадқиқотчилар, Ўзбекистон илмий-тадқиқот институтлари ходимлари иштирок этиши мумкин.

Икки мамлакатда ташкил этилаётган кино кунлари ва концертлар маданиятлараро мулоқотни янада яқинлаштириш ҳамда мустақамлашга хизмат қияпти.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юқори салоҳиятга эга Ўзбекистон — Словакия муносабатлари ижобий динамикани намоеён этиши ва ўзаро манфаатли замонавий давлатлараро мулоқотнинг ёрқин намунаси бўлишига барча асослар бор. Шу нуктадан назардан, Словакия Бош вазири Роберт Фиционинг Ўзбекистонга бўлажак ташрифи икки томонлама муносабатларни фаоллаштириш ва стратегик шериклик даражасига кўтаришга кучли туртки беради.

“Дунё” АА

# ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ АЗИМ ЛАТИПОВ



Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳаси оғир жудолликка учради. Таниқли фермер, “Азим Шофиркон юлдузи” фермер хўжалигининг раиси, жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони Азим Шукурович Латипов шу йил 6 июнда 74 ёшида вафот этди.

А.Латипов 1951 йил 5 июнда Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида туғилди. Ўрта мактабни, кейинчалик Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини меканизациялаш техникумини тугатгач, меҳнат фаолиятини Шофиркон туманидаги “Бухоро” жамоа хўжалигида механик сифатида бошлади ва кўп йиллар давомида мазкур хўжаликда бригада бошлиги лавозиминда самарали иш олиб борди.

Ўзининг бутун онгли ҳаёти ва меҳнат фаолиятини мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ривожига бағишлаган меҳнатқам инсон 1996 йилдан бошлаб “Бухоро” жамоа хўжалиги раиси сифатида иш юритиб, ўзининг бой билим ва тажрибаси, ташкилотчилик ва жонқурлик фазилатлари билан кўпчиликка ибрат ва намуна бўлиб, мураккаб иқлим шароитида галла ҳосилдорлигини икки баробар оширишга эришди.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, И. АБДУРАҲМОНОВ, Б. ЗАРИПОВ

# ЎЗБЕКИСТОН — БОЛГАРИЯ: АНЪАНАВИЙ МУЛОҚОТ ВА СТРАТЕГИК ҚИЗИҚИШНИНГ ЯНГИ ЎСИШ БОСҚИЧИДА

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон ва Болгария ўртасидаги сиёсий ҳамкорлик конструктив шериклик ҳамда ўзаро ёрдам руҳида асосланган. Кейинги йилларда олий ва юқори даражадаги икки томонлама алоқалар фаоллашди. Бу Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи давлатлари билан ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган умумий йўналишининг кўзгусига айланди. Болгария ЕИга аъзо давлат сифатида расмий Тошкент томонидан Болкон ва Марказий Европа минтақасидаги устувор ҳамкорлар қаторида эътироф этилади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 сентябрь кунини БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида Болгария Президенти Румен Радев билан ўтказган учрашуви икки томонлама мулоқотни ривожлантириш ва ҳамкорликни мустақамлаш, шу жумладан, жорий ташрифта замин яратишга икки томоннинг интилишларини тасдиқлади.

Болгария БМТ ва ЕХХТ доирасида Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни барқарор ривожлантириш ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Шунингдек, Болгария томони “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотларни, жумладан, фуқаролик жамияти институтларини мустақамлаш ва оммавий ахборот воситалари соҳасини ривожлантиришни юқори баҳолайди.

Парламентлараро алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда. Болгария парламентида “Болгария — Ўзбекистон” дўстлик гуруҳи фаолият кўрсатяпти. Олий Мажлис палаталарининг кўшма қарори асосида Болгария Халқ мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ ташкил этилган.

Ушбу ҳамкорлик доирасида ўзаро ташрифлар алмашинуви амалга оширилмоқда, уларнинг динамикаси сўнги йилларда янада фаоллашди. 2018 йил июль ойда Болгария Халқ мажлисидаги “Болгария — Ўзбекистон” дўстлик гуруҳи раиси Адлен Шевкед бошчилигидаги делегация ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

2018 йил ноябрь ойда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон — Болгария парламентлараро гуруҳи делегацияси Болгарияга ташриф буюриб, у ерда Халқ мажлиси раҳбарияти, Ташқи ишлар, Иқтисодиёт ва Туризм вазириликлари вакиллари, Пловдив ва Каржали шаҳарлари мэралари билан учрашувлар ўтказди.

2021 йил декабрь ойда Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Нарбаева София шаҳрида бўлиб ўтган “Демографик ўзгаришлар шароитида жамиятни ривожлантириш йўллари” мавзусидаги юқори даражадаги вазирлар конференциясида иштирок этиди ва видеомурожаат йўлади.



Икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари мунтазам алоқаларни давом эттирмоқда. Жумладан, ТИВлараро маслаҳатлашувлар давомида улар нафақат икки томонлама муаммоларни, балки долзарб халқро кун тартибининг, жумладан, иқлим, рақамли трансформация, дезинформацияга қарши курашиш ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни ҳам муҳокама қилмоқда.

2023 йил 23 октябрь кунини Люксембургда бўлиб ўтган “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” вазириликнинг 19-учрашуви доирасида Ўзбекистон ТИВ раҳбари Бахтиёр Саидов Болгария Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Мария Габриэль билан учрашди.

Ўзбекистон ва Болгария ўртасидаги иқтисодий кооперация ҳозирча икки давлат салоҳиятига тўлиқ мос келадиган даражада эмас. Шу билан бирга, фармацевтика ва биомедицина, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, қайта тикланадиган энергия манбалари, шу жумладан, қуёш ва водород технологиялари, тўқимачилик ва кимё саноати каби соҳаларда ҳамкорликни фаоллаштириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Томонлар 2019 йил сентябрь ойда София шаҳрида 5-мажлиси бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий

Бугунги кунда Ўзбекистонда Болгария инвесторлари иштирокида очилган 30 та корхона мавжуд, уларнинг 19 таси 100 фоз болгар капитал асосида фаолият юритади. Мазкур корхоналар нефтни қайта ишлаш, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати, савдо операциялари ва хизматлари каби асосий йўналишларда ташкил этилган.

Ҳар икки давлат транспорт-логистика соҳасидаги алоқаларни, айниқса, Ўзбекистонни Қора денгиз портлари билан Кавказ орқали боғлайдиган Транскаспий халқро транспорт йўналиши контекстида ривожлантиришдан манфаатдор. Ривожланган инфратузилма ва логистика марказларига эга Болгария Марказий Осиё ҳамда ЕИ ўртасида транзит йўлига вазифасини бажаришга қодир.

Ўзбекистон — Болгария ҳамкорлиги гуманитар ва таълим соҳаларида ҳам фаол ривож топаяпти. Хусусан, “Ўзбекистон — Болгария” дўстлик жамияти ва Болгария маданият маркази маданиятлараро мулоқотни мустақамлашга катта ҳисса қўшапти.

Бухоро ва Варна, Самарқанд ва Пловдив шаҳарлари ўртасидаги яқин дўстлик

алоқалари маданий ҳамжиҳатлик ва ишонч тимсолига айланган. Улар делегациялар алмашинуви, маданий лойиҳалар ва кўшма ташаббуслар орқали Ўзбекистон ва Болгария халқлари ўртасидаги мулоқотни мустақамлашга муносиб ҳисса қўшапти.

Сўнги йилларда Тошкент ва Самарқандда болгар фильмлари намойиши, расомлар кўргазмалари ташкил этилди. Элчихоналар ва диаспора ташкилотлари тил ўрганиш курсларини ташкил этиш, мусиқий кечалар ва халқларимиз маданий меросига бағишланган давра суҳбатларини ўтказиш орқали икки давлат маданиятини кент тарғиб қияпти.

Таълим соҳасида Тошкент кимё-технология институти ва София кимё-технология университети, Тошкент давлат юридик университети ва София университети, Самарқанд давлат тиббиёт институти ва София тиббиёт университети ўртасида ҳамкорлик шартномалари имзоланган. Шунингдек, Наманган давлат университети ва Варна техника университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Болгария Ташқи ишлар вазирилик ҳузуридаги Дипломатик институт ўртасида ҳамкорлик меморандумлари тузилди. Бу ўзаро ҳамкорлик гуманитар алоқаларини чуқурлаштириш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва икки давлат ёшлари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Болгария “Erasmus+” дастурида иштирок этиди. Ушбу дастурлар доирасида Ўзбекистонлик талабалар Болгария университетларида, шунингдек, Болгария Фанлар академиясида малака ошириш ва амалиёт ўташи йўлига қўйилган.

Икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш учун катта салоҳият мавжудлигини туризм соҳасида ҳам кўриш мумкин. Ҳар икки давлат бой тарихий-маданий меросга, бетақор мезморий ёдгорликларга ва ранг-баранг табиий ландшафтга эга бўлиб, бу ўзаро сайёҳлик алмашинуви ривожлантириш учун қулай шароит яратяпти.

Мазкур омиллар Ўзбекистон ва Болгария ўзаро ишонч ҳамда бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилишга асосланган икки томонлама ҳамкорлик салоҳиятини тўлиқ очиб бериш ва рўёбга чиқариш ниятида эканини тасдиқлайди.

Шу нуктадан назардан, Болгария Президенти Румен Радевнинг Ўзбекистонга ташрифи, шунингдек, IV Тошкент халқро инвестиция форумида иштирок этиши ўзаро манфаатли шерикликни янада ривожлантиришга кучли суръат бағишлаш баробарида барча соҳаларда икки томонлама муносабатларни мустақамлашга замин яратяпти.

“Дунё” АА

Болгария БМТ ва ЕХХТ доирасида Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни барқарор ривожлантириш ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Шунингдек, Болгария томони “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотларни, жумладан, фуқаролик жамияти институтларини мустақамлаш ва оммавий ахборот воситалари соҳасини ривожлантиришни юқори баҳолайди.

# СОҒЛИҚ — КЎПНИКИ

## Барқарор тараққиёт учун соғлом турмуш тарзи қанчалик муҳим?



Лутфулла СУВОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

### Бошланиши 1-бетда

Мавзуга қайтадиган бўлсак, афсуски, кейинги пайтларда қалбаки, сифатсиз дори-дармон билан боғлиқ қатор кўнгилни хира қиладиган ҳолатларга гувоҳ бўляемиз. Қўштинроқ ичидида баъзи тадбиркорлар томонидан бундай воситалар кўп миқдорда юртимизга олиб кириляётгани ҳам бор гап.

Сўнгги йилларда тармоқни жадал ривожлантириш, соҳага жалб этилаётган инвестиция ҳажмини сезиларли даражада ошириш ҳамда аҳолини сифатли, хавфсизлиги ва самарадорлиги кафолатланган дори-дармон билан таъминлашга оид ангина бошқарув тизimini жорий қилиш мақсадида қатор амалий ишларга кўп урилди.

Аҳолининг юқори самарали дори-дармонга эҳтиёжини тўлиқ қондириш фармацевтика саноатининг қай даражада ривожланганига боғлиқ. Юртимизда бу борада қатор хайрли ишлар қилинди, натижада тизимдаги корхоналар сони кескин ошди.

Аввало, ўтган давр мобайнида фармацевтика тармоғини ривожлантиришга қаратилган қатор ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар доирасида аҳолини арзон, сифатли ва хавфсизлиги кафолатланган дори-дармон ҳамда тиббий ноуматлар билан таъминлаш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонида 2025 йилда аҳоли саломатлигини яхшилаш, экологик турмуш тарзини шакллантириш ва инсон салохиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш борасида муҳим вазифалар белгиланган. Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи, хусусан, тиббий маданиятни ошириш, соғлом овқatlanиш, кунлик юриш ва югуришни тарғиб қилиш, оилавий поликлиникалар, оилавий шифокорлик пунктлари ва маҳалла тиббиёт пунктларида аҳолига бирлашган тиббий-санитария ёрдамида кўрсатишнинг самарали тизimini жорий этиш шулар жумласидан.

Ўз навбатида, аҳолини сифатли, хавфсиз ва ҳар томонлама кафолатланган дори-дармон билан таъминлаш ҳам мазкур вазифаларни изчил амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Дастурда тегишли вазирлик ва идораларга 2025 йил 1 ноябрга қадар тиббий сугурта механизмлари жорий қилинаётган ҳудудларда рецетт билан бериладиган дори-дармонни “электрон рецетт” тизими асосида тайинлаш амалиётини йўлга қўйиш борасида аниқ вазифалар кўйилган.

Президентимизнинг жорий йил 28 январдаги “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида ушбу соҳани жадал ривожлантириш, жалб этилаётган инвестициялар ва экспорт ҳажмини сезиларли даражада оширишни таъминлашга оид янги бошқарув тизimini жорий қилиш мақсадида қатор устувор вазифалар белгиланди.

Хусусан, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига соҳани рақамлаштириш ва ахборот дастурларини жорий этиш, инвестицион лойиҳаларни мониторинг қилиш каби қўшимча вазифалар юклатилди.

— Мазкур ҳужжатга кўра, агентликка биологик фаол қўшимчалар ва косметика маҳсулотлари саноатини ривожлантириш, жумладан, бозор конъюнктурасини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, ушбу йўналишдаги соҳа корхоналарига илгор хорижий амалиёт ва стандартларни таъбиқ этишга кўмаклашиш каби вазифалар юклатилди, — дейди Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги бўлим бошлиғи Ҳакимжон Содиқов. — Бундан ташқари, жорий йилда умумий ҳисобда 2,5 миллиард долларга яқин инвестиция жалб этиш, экспорт салохиятини 200 миллион долларга ошириш ҳамда 2030 йилгача маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг бозордаги улушини 70 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Айни мақсадда агентлик ҳозирги кунда биологик фаол қўшимчалар ва косметика

маҳсулотлари саноатида фоалият кўрсатаётган ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар режаси асосида ишламоқда. Бу эса соҳадаги тадбиркорлар олдида турган муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш, уларга яқиндан кўмаклашишда ишлар кўлами ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қиломоқда.

Ҳужжатга мувофиқ, жорий йил 1 апрелдан бошлаб чекланган савдо устамалари фақат рецетт билан бериладиган дорилар тоифасига нисбатан таъбиқ этилади. Бунда маҳаллий ва хорижий дори-дармонга нисбатан амалдаги референт нархни шакллантириш тизими сақлаб қолинади.

Яна бир муҳим жиҳат. Рецетт билан бериладиган дори тоифасини улгуржи ва чакана сотишда уларни етказиб беришда иштирок этувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматидан 15 фоиздан ва чакана савдо учун сотиб олинган қийматидан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорларда устама қўлланилади. Бунда ушбу дориларнинг улгуржи ва чакана нархлари чекланган улгуржи ва чакана референт нархлардан юқори бўлмаслиги шарт.

Рецеттсиз бериладиган дори-дармонни улгуржи ва чакана реализация қилишда чекланган савдо устамалари қўлланилмайди.

Нега бу амалиёт айнан рецетт билан бериладиган дорида қўлланилади? Бундан асосий мақсад — дори-дармон нархини ушлаб туриш. Яна бир сабаби барча ривожланган давлатлар таърибисидан ҳам ижтимоий соҳага тегишли бўлган рецетт турлари билан ёзилган дори давлат томонидан назорат қилинишини кўришимиз мумкин. Бу эса, ўз навбатида, аҳолини сифатли ва арзон дори-дармон билан таъминлаш имконини беради.

Иккинчи масала, рецеттсиз бериладиган дорилар нархи борасида чекловлар бекор қилинишининг асосий сабаби бу — аниқ касалликни даволаш бўйича ишлатилмаслигида. Чунки бу дорилар даволашга ёрдамлашадиган маҳсулотлар турига кирди.


Бундан ташқари, маҳаллий ва хорижий дори-дармонга нисбатан референт нархни шакллантириш тизими сақланиб қолади. Шунингдек, бир ишлаб чиқарувчи томонидан турли савдо номлари остида таркиби бир хил бўлган дори ишлаб чиқаришда ушбу



дориларнинг барчасига нисбатан энг паст референт нарх қўлланилади.

Фармонда белгиланган кўйилдики, фармацевтика маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг дориларидан битта-сини АҚШ ва Европа Иттифоқининг нуфузли ташкилотларида рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатларининг 100 фоизи, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг фармацевтика маҳсулотларини хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатларининг 50 фоизи Савдога кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан, фармацевтика корхоналарининг барқарорлик рейтингидан келиб чиқиб қоплаб берилди.

Бугунги кунда республикамизда GMP сертифицигага эга 55 та маҳаллий ишлаб чиқарувчи мавжуд. Улар томонидан уч мингга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Шу маҳсулотларни хорижий мамлакатларга сотиш, маркетингни амалга ошириш мақсадида фармон билан нуфузли халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш харажатларининг 100 фоизини қоплаб бериш назарда тутилди.



“

Дориҳоналардан сотиб олинаётган дориларнинг эса қадоғига алоҳида эътибор бериш, унда кўрсатилган ҳароратда сақланаётганига диққат қаратиш лозим. Шунингдек, дори қадоқларининг бутлиги, унда махсус маркировка ва идентификация воситалари борлигини текшириш. Бунда қадоқдаги QR-кодни “Asl belgisi” мобил иловаси орқали текшириб, ўзингиз учун кўп нарсани ойдинлаштириб олишингиз мумкин.

Фармон қабул қилинишига қадар маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг фармацевтика маҳсулотларини хорижда рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатларининг 75 фоизи қоплаб берилди, нуфузли халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш харажатлари бўйича эса ҳеч қандай имтиёзлар бўлмаган.

Лекин яратиб берилётган имконият ва имтиёزلарга қарамай, бу борада ўзидан “тадбиркор” ясаб олганлар ҳам йўқ эмас орамизда.

Бугун аскаримизда тиббий савдохонлик етарли даражада эмас. Дориҳона бўлса бўлди, кўр-кўрона ундан дори харид қилаверамиз. Унинг аслиги ёки контрафакт эканини аниқлашга ҳаракат ҳам қилмаймиз. Дориҳонадан олинди, демек, ҳаммаси жойида деб ҳисоблаймиз.

Кўйида келтирилган рақамлар барчамизни бир оз бўлса-да хушёрликка чорлаши керак. Жумладан, 2024 йилда Ҳиндистондан 6,5 миллиард сўмлик, Қозоғистондан 4,3 миллиард сўмлик ва Туркиядан 4,2 миллиард сўмлик дори, Хитойдан 4,6 миллиард сўмлик, Қозоғистондан 4 миллиард сўмлик ва Литвадан 2,9 миллиард сўмлик тиббиёт буюмларини ноқонуний олиб келишга уришилларнинг олди олинди.

Бунда турли усуллардан фойдаланилмоқда. Масалан, республикамиз ҳудудида дастлаб дори хорижий давлатлардан йирик миқдорда вақтинча олиб кирилади ва қўшни давлат ҳудудига гўёки реэкспорт қилинади. Сўнгра мазкур дори-дармон кичик туркумларда турли йўллар билан қайта юртимизга олиб кирилади. Шунингдек, дорини гўёки шахсий эҳтиёж ниқоби остида, аслида эса тижорат мақсадида олиб киришга уришиллар ҳам кўпроқ кўзга ташланади.

Шу ўринда эслатиб ўтиш керакики, жисмоний шахсларга яшаш ёки бўлиш мамлақати тиббиёт муассасаси томонидан берилган ҳужжат тақдим этилмасдан турли номдаги 10 тага-ча ва ҳар бири 5 ўрамдан ортиқ бўлмаган дори-дори ҳамда 5 бирликдан ортиқ бўлмаган тиббий буюмларни шахсий фойдаланиш учун олиб киришга ва олиб чиқишга ружусат берилади.

Мавзунинг орғиқли томони шундаки, ҳозир қалбаки дори-дармонни қўлбола усулда ишлаб чиқариш ҳолатлари ортиб бормоқда.

Дори-дармоннинг ноқонуний айланмаси ва ички ҳудудда қалбаки дориларнинг қонунга хилоф реализациясига чек қўйиш мақсадида божхона органлари томонидан мунтазам чора-тадбирлар ўтказилмоқда.

— Тошкент шаҳри Божхона бошқармасининг Контрабандага қарши курашиш бўлими ҳамда Иқтисодий жинойатларга қарши кура-

бўлмаган, тахминан ярим миллиард сўм қийматдаги стоматологияда қўлланиладиган тиббиёт буюмлари ноқонуний равишда сақланаётгани аниқланди, — дейди Божхона кўмитаси бош инспектори Хуршида Муродова. — Самарқанд халқаро аэропортида Истанбулдан учиб келган йўловчи салкам 47 миллион сўмлик дорини “яшил” йўлак орқали олиб киришга уринган вақтида тўхтаб қолди.

Қорақалпоғистон Республикаси Божхона бошқармаси тезкор тузилмаларининг ҳамкорлиқдаги тадбирида эса шубҳа остига олинган шахс таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар бўлган 500 га яқин дори-дармонни 4 миллион сўмга сотаётгани фош қилинди. Шунингдек, ушбу шахснинг хонадонидан ҳам худди шу доридан яна 260 капсула сақланаётгани аниқланди.

Сирдарё вилояти божхоначилари эса олдиндан кузатувга олинган шахснинг ёнида ва автомобилда кучли таъсир қилувчи 400 га яқин дори борлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида вақтинчалик сақловга олинди.

Наманган вилояти Божхона бошқармаси “Косонсой” чегара божхона постида эса дори-дармонни яширинча олиб кириш учун ғайриоддий усулни қўллаган аёллар тўхта-тиб қолди.

Улар гўёки ўзини ҳомиладор кўрсатишга уриниб, аслида, қорин соҳасига боғлаб олган ҳолда 4 мингга яқин дори ҳамда таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар бўлган 3,5 мингдан ортиқ капсулани, шунингдек, уларнинг бўш идишларини олиб кираётганида тўхтаб қолди.

Бу каби ҳолатлар ҳар биримиздан дори-дармон харид қилишда янада хушёр бўлишни таъқозо этади.

Қонунчиликка кўра, хориждан импорт қилинган ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарилган

кодлари мавжудлиги текширилади. Агар божхона юк декларациясида маркировка кодлари бўйича маълумотлар кўрсатилмаган тақдирда товарларни эркин муомалага чиқаришга ружусат берилмайди.

Шундай экан, фуқаролар Ўзбекистон ҳудудида ноқонуний кириб келган ҳамда ички ҳудудда қонун нормаларига хилоф равишда ишлаб чиқарилган қалбаки дорида дуч келмаслиги учун, энг аввало, ижтимоий тармоқлар орқали сотилаётган дори-дармонни харид қилишни мақсадга мувофиқ эмас.

Дориҳоналардан сотиб олинаётган дориларнинг эса қадоғига алоҳида эътибор бериш, унда кўрсатилган ҳароратда сақланаётганига диққат қаратиш лозим. Шунингдек, дори қадоқларининг бутлиги, унда махсус маркировка ва идентификация воситалари борлигини текшириш. Бунда қадоқдаги QR-кодни “Asl belgisi” мобил иловаси орқали текшириб, ўзингиз учун кўп нарсани ойдинлаштириб олишингиз мумкин.

— Истеъмолчилар сотиб олинаётган дорининг ҳақиқий ёки сохталлигини мустақил равишда текшириши мумкин, — дейди “Асл белгиси” рақамли маркировка тизими менежери Дилсўз Акрамжонов. — Бунинг учун “Асл белгиси” мобил иловаси ёрдамида қадоқдаги QR-кодни сканерласангиз, шунинг ўзи кифоя. Илова махсулот ҳақидаги тўлиқ маълумотларни, ишлаб чиқарувчи, импорт қилувчи, ишлаб чиқарилган санаси, яроқлик муддати, тизимда рўйхатдан ўтганига доир ахборотларни тақдим қилади.

Агар сотиб олинган дори қалбаки эканига шубҳа туғилса, у ҳолда “Асл белгиси” мобил иловаси орқали қондабузарлик ҳақида назорат қилувчи органларга хабар бериш мумкин.

2024 йил якунига келиб Ўзбекистонда дори ишлаб чиқарувчиларнинг барчаси рақамли маркировка миллий тизимига уланди. Ҳозир тизимда 800 та маҳаллий ишлаб чиқарувчи, 900 га яқин импорт қилувчи ва қарий мингта улгуржи савдо объекти дори-дармон тоифасида иштирок этмоқда.

2025 йилнинг биринчи чорағида техник ёрдам хизматида дори тоифаси бўйича 8,5 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушди. Ушбу рақамлар салмоғи юртдошларимизнинг тизимга савол ва эътирозлари қўпчилиги билан бирга аҳолининг истеъмолчилик маданияти ортиб бораётгани, фармацевтика тармоғида яратилаётган қулай телекоммуникация имкониятларидан фойдаланиб, хизмат ва сифатни назоратта олгани, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилаётганидан далолат беради, албатта.

Тизимда қондабузарликлар ҳақида хабар бериш орқали ички бозорда аҳоли саломатлигига жиддий хавф туғдирадиган қалбаки дорилардан химояланиш имконини янада ортиқ боради. Шу боис, барчамиздан бу борада фаол бўлиш, ўзимиз ёки яқинларимиз истеъмоли учун сотиб олаётган ҳар бир дори сифати ва хавфсизлигига янада эътиборли бўлишимиз талаб этилади. Зеро, дуч келган дорини харид қилиш орқали энг қимматли бойлик — ўзингиз ва яқинларингиз саломатлигини хавфга қўйишингиз мумкин. Бунга асло йўл қўйманг.



шиш департаменти билан ҳамкорликда Мирзо Улугбек туманида ўтказилган тезкор тадбирда Тошкент вилоятидаги яшаш хонадонларидан бири кўздан кечирилганда, чет элда ишлаб чиқарилган, аммо ҳеч қандай ҳужжатлари

барча дори махсус рақамли ва давлат тилидаги маркировка билан таъминланган бўлиши лозим.

Дори импорт қилишда божхона органлари томонидан уларнинг рақамли маркировка



**Ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, умуман, давлат идораларида ишлайдиганлардан тортиб, қарияларгача бугун маош ва пенсияларини пластик карталар орқали олади. Шундай экан, аҳолининг барча қатламлари киберхавфсизлик борасидаги саводхонлигини ошириши ўта долзарб масала. Айтишади-ку, оқибатлар билан эмас, сабаблар билан курашиш керак.**



# ОҚИБАТЛАР БИЛАН ЭМАС,

# САБАБЛАР БИЛАН КУРАШИШ КЕРАК

Айни пайтда АҚШда истиқомат қилаётган ҳамюртларимиздан бири ижтимоий тармоқдаги саҳифасида ёзган: “Агар уйингиздан бир миллион долларни ўғирлаб кетишса, бу оддий жиноят сифатида қаралади. Лекин электрон ҳамёнингиздан ёки пластик картангиздан атиги 100 доллар ўғирлашса борми, шов-шув кўтарилади. Бу эса кибержиноят, яъни жуда жиддий жиноят саналади. Кибержиноятчилар изидан бутун куч ишлатар тизимлар тушади. Фирибгарларни топмагунча тинчишмайди. Киберхавфсизликка жуда жиддий қаралади”.

Аслида, бугун бутун дунёда киберфирибгарлик жиддий муаммага айланмоқда. Иқтисодиёт, молия тизими, қолаверса, одамлар ўртасидаги пул олди-берди муносабатлари тобора рақамлашганга бу йўналишдаги хавфсизлик чораларини кучайтиришни тақозо қилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, 2024 йилда кибержиноятлар ортидан келадиغان йиллик глобал зарар 11,4 триллион долларни ташкил этган.

2026 йилда бу борадаги фирибгарликлар 120 фюз ўсиб, 25,8 триллион долларга етиши тахмин қилинмоқда. Айрим манбаларда таъкидланишича, 2026 йилга келиб кибержиноятлар глобал трансмиллий жиноятларнинг умумий сонидан кўра 5 баравар кўпроқ содир этилиши кутилмоқда.

Бу муаммо бизга ҳеч бегона эмас. Хусусан, Ички ишлар вазирлигининг очиқ маълумотларда эълон қилган статистик маълумотларига кўра, юртимизда сўнгги беш йилликда кибержиноятлар 68 баравар, биргина ўтган йилда 2023 йилдагидан 9,1 баравар ошган. Бу даврда кибермақондаги ҳуқуқбузарликлар

юзасидан жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатлар сони 34 баравар кўпайган.

Мазкур жиноятлар натижасида фуқароларнинг 1 триллион 909 миллиард сўмдан ортиқ маблағи талон-тарож қилинган.

2019 йилда ахборот технологиялари орқали 18 турдаги 863 та жиноят содир этилган бўлса, 2024 йилда 62 турдаги 58 минг 800 та жиноят қайд этилгани, кибержиноятларнинг умумий жиноятчиликдаги улуши сезиларли ортигани уларнинг олдини олиш заруратини янада долзарблаштиради.

2023 йилда кибержиноятларнинг умумий жиноятчиликдаги улуши 6,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йилда 44,4 фоизга етиб, деярли ҳар иккита жиноятнинг бири ахборот технологиялари орқали содир этилди.

Бевоқиф кибержиноятларга қарши курашишга дахлдор вазирликнинг юқоридаги таҳлилларидан ҳам кўришиб турибдики, рақамлашган бугунги замонда фуқаролар маблағларининг хавфсизлигини қафолатлаш тобора мураккаблашиб бормоқда.

## Киберхавфсизлик

Яна Ички ишлар вазирлиги таҳлилларига юзланамиз. Кибержиноятларнинг асосий қисмини (98 фоизи) банк карталари билан боғлиқ жиноятлар (киберўғирлик ва киберфирибгарлик) ташкил этмоқда.

Кибержиноятларнинг асосан 60 фоизи зарарли ҳаволалар ва дастурлар юбориш орқали банк картаси ёки мобил қурилма бошқарувини қўлга киритиш йўли билан амалга оширилмоқда. Шунингдек, 16 фоизи турли алдовлар билан банк картаси ҳамда мобил иловалардаги аккаунтлар

бошқарувини тасдиқловчи SMS-кодни қўлга киритиш йўли билан содир этилмоқда.

### Шубҳали қўнғирок

Яқинда телеграмдаги гуруҳларда шов-шувли хабар тарқалди. Эмишки, “78 кодли телефондан қўнғирок бўлса, жавоб берманг. Мулоқот жараёнида пластик картангиз мобил телефонингизга уланган бўлса, пулингизни



**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**

ечиб олишади. Агар уланмаган бўлса, номингизга кредит расмийлаштирилади”.

Бундай хабарларга қунда-қунора ҳар биримизнинг кўзимиз тушиши оддий ҳолатга айланган. Шундай ҳақиқий гап-сўзлардан сўнг пластикда пул сақлашга қўқиб қолиб, маблағини тезроқ нақдлаштириб, ёстиқ тагига “ашираётган”лар ҳам кўпчиликини ташкил қилади.

Яқинда бир ҳамкасбимнинг айтишича, унга номаълум рақамдан қўнғирок қилиб, ўзини ички ишлар ходими сифатида таништириб, соф ва раво рус тилида унга қайси-бир банкдан кредит расмийлаштириётганини, шу боис, унга SMS-код боришини ва уни беришини сўради. Ўзбекча жавоб қайтарса, ҳалиги ички ишлар ходими тушунмабди. Шундан кейин ҳамкасбимда шубҳа пайдо бўлибди.

Таъкидлаш керакки, бундай ҳолат кўпчилигимизда юз берган. Тўсатдан бўладиган бундай қўнғироклар ёки ишонувчанлигимиз ортидан фирибгарларнинг найраганига тушиб қолаётганлар, афсуски, кўпчиликини ташкил қилади.

Шундай экан, шубҳали қўнғирокларга билмасдан жавоб берилса, ростдан ҳам пластикдаги пуллари ечиб олишадими?

— 78 лик ёки бошқа ҳар қандай кодли рақамдан сизга қўнғирок бўлиб, мулоқотга киришганингизда фирибгарлар дарҳол сизнинг пулингизни ечиб ололмайдми, — дейди Тошкент шаҳри Ички ишлар бош бошқармаси масъули Жаҳонгир Саъдуллаев. — Қачонки сизга “SMS-код келди, шуни айтиб юборинг ёки мана бу ҳаволадан рўйхатдан ўтинг”, деганда уларнинг айтганини бажарганингизда, шунингдек, сизга юборилган файлларни очганингизда ёки юзингизни FaceID қилиш имконини уларга тақдим қилганингизда пулингизни ечиб олиши мумкин. Яна бир бор қайтараман, мулоқот жараёнида сизнинг пуллариңизни дарҳол ечиб ололмайдми.

### Зарарни ким қоплайди?

Яқинда Президентимиз “Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қaratилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини имзолади.

Ушбу ҳужжатда кибержиноятчиликка қарши кескин чоралар кўриш қатъий кўрсатиб ўтилган. Жумладан, банклар, тўлов тизими операторлари ҳамда тўлов ташкилотларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя этмагани натижасида содир этилган кибержиноят оқибатида келиб чиққан моддий зарарни улар ҳисобидан ундириш тартиби жорий этилмоқда.

Шунингдек, жиноят қонучилиги билан ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар ҳамда пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият учун белгиланган жазо чоралари кучайтирилди.

Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистонда кибержиноятларга қарши курашиш йўналишида ваколатли орган этиб белгиланди.

Кибержиноятни содир этишда ўз номиндаги банк картаси, банк ҳисобрақами, SIM-картаси ҳамда электрон ҳамёнидан фойдаланишга йўл қўйган шахслар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланмоқда.

Қарорга мувофиқ, кибержиноятларни фош этиш йўналишида Марказий банк, тўлов тизими ва ички ишлар органлари вакилларидан иборат тезкор ҳаракатлини гуруҳи фаолияти йўлга қўйлади ва мазкур гуруҳ томонидан шубҳали пул ўтказма амалиётларига алоқадор банк карталарини тезкорлик билан аниқлаш ва блоклаш каби чоралар кўриб борилади.

Рақамли технологиялар одамлар ҳаётига шу қадар шиддат билан кириб боришти, ёшу қари унинг қулайлик ва имкониятларидан бирдек фойдаланапти. Икки-уч йил олдинги даврларни ёдга олинг. Оддий коммунал тўловларни амалга ошириш учун ҳам банка борилар, камда икки-уч соат навбат куттишга тўғри келарди. Энди эса банк сизнинг қўлингиздаги телефонда. Саноқли сонияларда банкларнинг тури иловалари орқали ҳар қандай тўловни амалга ошириш мумкин.

Бу ва бошқа имкониятлар туфайли истайимиз-йўқимиз, одамлар пулни нақа олиб юришдан кўра пластикда сақлашни афзал билимоқда. Лекин кўпчиликининг молиявий ва киберхавфсизлик талаблари борасидаги маълумотлардан хабардор эмаслиги, юқорида таъкидлаганимиз киберфирибгарлик авж олишига сабаб бўляпти.

Ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, умуман, давлат идораларида ишлайдиганлардан тортиб, қарияларгача бугун маош ва пенсияларини пластик карталар орқали олади. Шундай экан, аҳолининг барча қатламлари киберхавфсизлик борасидаги саводхонлигини ошириши ўта долзарб масала. Айтишади-ку, оқибатлар билан эмас, сабаблар билан курашиш керак.

**Юнус БҲРОНОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

## Туризм


Бугун сайёҳлик Қашқадарёнинг асосий драйверига айланмоқда. Натижада ҳудудда инфратузилма яхшиланиб, хизматлар сифати ортмоқда. Янгидан янги объектлар барпо этилиб, меҳмонхона уйлари, савдо шохобчалари, миллий хунармандчилик каби қатор йўналишларга эътибор қаратилиб, янги иш ўринлари очилляпти. Буни вилоятга маҳаллий ва хоризқли сайёҳларнинг келиши йилдан йилга ортаётганидан ҳам аниқлаш мумкин. Яқинда воҳадаги иккита манзилга “туризм қишлоғи” мақоми берилгани эса меҳмонлар сафининг янада кенгайишига хизмат қилади.

Китоб тумани марказидан 11 километр шарқда — Тахтақорача довои этагида Қайнар қишлоғи жойлашган. Бу қишлоқ “Қайнар” маҳалла фуқаролар йиғини таркибига бўлиб, ҳудудда 6 та аҳоли манзили мавжуд. Булар — Жайрали, Қурилиш, Соғуқбулоқ, Қайнарбулоқ, Қонгли, Янги қишлоқлари. Бу манзиллар деярли яхлит, бир-бирига туташиб кетган.

Ҳозир қишлоқда 22 та оилавий меҳмон уйи, меҳмонхона, хостел ва соғломлаштириш масканлари ишлаб турибди.

Маҳаллий аҳолининг айтишича, ушбу манзилнинг “Қайнар” деб юритилишига сабаб ердан отилиб, яъни қайнаб чиқувчи зилот, шифобахш булоқлар кўплигидир. Бу булоқларни санаб охирига етиш қийин. Роҳатбулоқ, Қўтирбулоқ, Хурмачабуллоқ, Галабулоқ, Сасикбулоқ, Қўрбулоқ, Соғуқбулоқ, Замбуруғбулоқ, Девонабулоқ, Чоршанбабулоқ ва ҳоказо. Бундай беҳисоб булоқлар сойларга бирилашиб, дарёга айланди ва Қайнар қишлоғининг қоқ ўртасидан кесиб ўтиб, сугориладиган майдонларга етиб боради.

Довон йўли орқали юқориларкансиз, ўнг томонда жойлашган қатор замонавий ресторонолар қад роставлагани кўзингиз тушади. У ерда тайёрланган турли таомлар мазали ва машҳур. Айниқса, арча сихли кавказча каюб, китобча угра (кескан ош),



# СИРУ СИНОАТЛАР МАНЗИЛИ

қовурғали каюб, қизилча қовурдоғини бошқа ҳеч қаерда тополмайсиз. Моҳир ошпазлар тайёрлаган угранинг соч толасидек нафислигини кўриб ҳайратланмай иложингиз йўқ. Шунинг учун ҳам бу йўлдан юрган барча йўловчию сайёҳ ушбу таомлардан тановул қилмай кетмайди.

Қайнардаги дам олиш оромгоҳлари, даволаниш масканларидан ўрин олган манзараларни тасвирлашга тил ожиз. Бу ерда 6 та болалар оромгоҳи, даволаниш ва тиббиёт, туризм кенг ривожланган.

Довондан Самарқандга ўтгунча булоқлар бўйидаги умумий овқатланиш масканларида тандиркаюб пишириб, маҳорат дарсларини ўтувчи ўйлаб моҳир ошпазлар бор. Мазкур емакхоналар кечая кундуз гавжум.

Шунингдек, ушбу манзил тоғ бағрида жойлашгани сабабли ҳар хил доривор гиёҳлар етарлича бўлиб, уларнинг турли дардларга даволиги айтилади. Ушбу манзилга “туризм қишлоғи” мақомининг берилиши ҳам ўзига хос эътироф бўлди.

— Қишлоғимиз ҳудудида жойлашган Тахтақорача довоиндан тахминан кунига 10 мингдан зиёд машина ўтади. Шундан ўрта ҳисобда 3000 дан ортиги тўхтаб, дам олади. Шу пайтда меҳмонлар гўзал табиат манзарасидан баҳраманд бўлади. Ажойиб таомларимиздан еб, турли хизматлардан фойдаланади. Бу биз учун катта имконият бўлиш билан бирга ўзига хос масъулият ҳамдир. Албатта, ҳар бир меҳмон, энг аввало, хизматлар сифатига эътибор қаратади. Шу боис, талабларга мос иш юритиши учун бутун тадбиркорларнинг тажрибаси оширилмоқда, — дейди Қайнар маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Зарифа Хидирова. — Янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Бундан ташқари, табиат қўйнида дам олувчиларга ҳам кераклик шароит яратилиб бормоқда. Авваллари хоризқли сайёҳлар кам



келарди. Ҳозир анча кўпайган. Уларнинг қизиқишига қараб қулайликлар қилинмоқда. Олдин бир кун туришган бўлса, меҳмон уйлари қурилган, энди икки-уч кун қолишига имконият ҳозирланмоқда. Бунинг эвазига сайёҳлар қишлоқ ҳаётига қизиқиш билдириб, яқиндан танишишга интиломоқда. Мисол учун, тандирда нон ёпиш, сиргир соғиш каби юмушларни сайёҳлар ўзи амалда сынаб кўрмоқда. Ҳудудимизга “туризм қишлоғи” мақоми берилгани эса янги имкониятлар эшигини очди.

Бир бора бўлса-да кўрган киши Қайнар қишлоғи ҳақиқатан мўъжизамонанд жой эканини аниқлаш аниқ. Ҳудуд, кескеларнинг айтишича, бу ердан анча олисдаги Чироқчи туманидаги Қалқам қишлоғидан бошланган ички тоғ йўли — гордан

қўй отари ҳайдалса, Қайнар қишлоғидан чиқиши мумкин экан. Юртимиздаги кўп горлар сингари Китоб туманидаги горларнинг ҳам сиру синоати ҳануз тўлиқ ўрганилмаган.

Шу кун қишлоқ аҳли катта байрам шодиянасига йиғилди. Аҳоли орзиқиб кутганидек, Туризм қўмитаси вакиллари Қайнар қишлоғига “туризм қишлоғи” мақоми берилишини эълон қилиб, сертификатни тантанали топишди. Бундан ҳудудда фаолият юритаётган тадбиркорлар мамнун бўлди.

Айни пайтда мазкур “туризм қишлоғи”га қизиқувчилар Тахтақорача довоининг энг юқори чўққисига етганда тақорланмас мўъжизани — тоғлар бағридаги ҳаётни кузатиши мумкин. Хушманзара тоғ ҳавосидан нафас олиш, бетакрор табиат,

мафтункор қишлоқ манзарасини кўриш учун бир марта бўлса-да қишлоққа келишингиз керак.

Ҳазрати Башир қишлоғи Китоб тумани марказидан ҳамаси 30 километр олисда жойлашган. Табаррук масканга зиёрат истагида отланган киши йўл-йўлакай ажойиб манзараларнинг гувоҳи бўлади. Айни пайтда мазкур қишлоқда 310 дан ортиқ хонадон мавжуд. Аҳолиси илгари асосан деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланиб келган, кейинги йилларда туризм хизматларини кўрсатиш билан ҳам банд бўлмоқда.

Бу ерга келувчиларнинг асосий қисми зиёратчилар. Қишлоқнинг номламини дониманд Ҳазрати Башир шахси билан боғлиқ. Қишлоқ фаолларининг айтишича, бу ерга ҳозир бир кунда ўртача 2000-3000 киши зиёрат учун келади. Уларга етарли шароит яратиш мақсадида бугун ҳудудда капсулали уйлар қурилган, маниший хизмат шохобчалари барпо этилган.

— Вилоятимиздаги иккита манзилга “туризм қишлоғи” мақоми берилиши мазкур ҳудудда аҳолиси учун катта имкониятлар эшигини очди, — дейди Қашқадарё вилояти туризм бошқармаси шуба

мулдир Шаҳзода Хидирова. — Жумладан, тегишли ҳужжатга асосан туризм қишлоғи ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорларга солиқ имтиёзи жорий этилган. Бундан ташқари, ҳар йили қишлоқ ёшларидан муайян қисми туризм йўналиши бўйича олий таълимга имтиёзли қабул қилинади. Шу билан бирга, туманда биринчилардан бўлиб “Обод қишлоқ” дастури шу ҳудудда амалга оширилади. Янги иш ўринлари очилиб, аҳолининг бандлиги таъминланади.

Воҳада туризм йўналишидаги ишлар босқичма-босқич бажарилмоқда. Натижада хизматлар экспорти ҳамми ошиб, янги иш ўринлари яратилмоқда. Олдинроқ Шаҳрисабз туманидаги Мираки маҳалласига “туризм маҳалласи” сертификати топирилган бўлса, воҳада илк бор иккита қишлоқ туризм қишлоғи мақомига эга бўлди. Масъулларнинг фикрича, жорий йил якунига қадар яна учта қишлоққа худди шундай мақом берилди.

**Ақбар РАҲМОНОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири



## ФАРЗАНДЛАРИМИЗ УЛАРГА МУНОСИБ ВОРИС БЎЛИШИ ЗАРУР

Шу кунларда ижтимоий тармоқдаги бир пост кўпчилиكنинг эътиборини тортмоқда. У бундай бошланади: “Фарзандим телефондан бошини кўтармайди, ҳақиқий ҳаётдан узилиб, қандайдир бегона ҳаётда яшайтгандек. Доим бесабр, жиззаки, сабабини билолмай бошимиз қотган”.

Чундан ҳам бугун айрим ёшлар беҳалолат. Уларнинг қалбига ҳаловат бахш этиш жуда муҳим. Шу маънода, яқинда мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш ҳамда келгусидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшларнинг бундай ҳаётини мазмунли ташкил этиш борасидаги топшириқлар гоёт ўринли. Айниқса, болаларни музейларга, экскурсияларга олиб бориш аини мудоао. Чунки музейлар бизни шонли ўтмишга яқинлаштиради. Узлимизни танитади.

Охириги марта музейга қачон бордигиз деган саволга биз, катталар ҳам тез жавоб беролмайми. Аксарият ўқувчилар, талабалар пайти музейга борганини айтади. Умирида бир марта музейга бормаганлар ҳам, боришни режалаштирмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Улар бунга у қадар аҳамият бериб билмайди. Бироқ бу нотўғри қараш. “Фалон музейга бир марта борганман, нималар борлигини яхши билман”, дейиш ҳам тўғри эмас. Чунки музей экспозициялари бойитилиб, вақти-вақти билан алмаштириб турилади. Шунинг учун музейларга лоақал болалар баҳонасида бориб туриш керак. Улар кеча билан бугунни боғлайдиган кўприк, тирик тарих, халқнинг хазиначиси. Утмишга саяхат қилиш, тарих билан тиллашиш ҳам ўзига хос маънавий озуқа беради, руҳиятни кўтарди.

Мамлакатимизда 18 ёшга бўлганлар ва уларга ҳамроҳлик қилувчилар учун сешанба, жума кунлари музейга кириш бепул. Ҳар ойнинг биринчи яшанбасида Ўзбекистоннинг барча фуқароси музейларда бепул айланиши мумкин. Шунингдек, ҳар йили Мустақиллик байрами муносабати билан 2-8 сентябрь кунлари музейлар аҳолига бепул хизмат қилади. Иштиёб бўлса, шунча бўлар-да!

### Бош музейимизнинг янгиланган биносини кўринг

Кейинги бир йилда биноси ва экспозицияси бўйича катта ишлар қилинаётган Ўзбекистон тарихи давлат музейи узоғи билан икки ойда келувчиларга ўз эшигини очди. Айниқса, шу кунларда музей ходимларининг қўли қўлга тегмапти.

— Бир йил давомида барча ходимимиз астойдил ишлади. Биринчи ўринда замонавий экспозиция яратилди, — дейди музей раҳбари Жаннат Исмоилова. — Тарихимизнинг қадимдан бугунгача бўлган даври янги маълумотлар, янги технологиялар асосида шаклланди. Келувчиларга юқори даражада хизмат қилиш, бой тарихимизни кўпроқ кўрсатиш борасида кўпалар янги усуллари қўллаяпти. Электрон манбалар, миниатюраларни жонлантириш, инновацион ёшларни

зициялар янгилангани шундоққина сезилиб турибди. “Сув ва ботқоқлик қушлари” номли экспозиция залида юртимизнинг сув ва ботқоқ ҳудудида учрайдиган қушлар тулуми жойлаштирилган. Экспозиция залларининг орқа фонида маҳоратли расмлар қушларнинг яшаш муҳитига мос тасвирлар чизган. Музейнинг асосий фондида сақланаётган 12 турдаги қушнинг тулумлари намойишга қўйилган.

Музей экспозициясининг марказий қисмига “Ўзбекистонда учрайдиган қушлар” номли 9 та микродиорама (кўргазмали макет) яратилган. Уларга қушларнинг қирғовуллар, кўйилган. Келувчилар турлича характерга эга бўлади, албатта. Кимдир индивидуал тарзда узоқ вақт маълумот олишни истайдди. Бу борада унга янги технологиялар, хусусан, QR-кодлар ёрдам беради. Шундай экан, ҳайвонни кўргазмага қўйибгина эмас, унинг қайси ҳайвонлар билан бирга, қандай ҳолатда яшаши, озуқа занжири билан биргаликда кўрсатилми. Базини ҳайвонлар голограмма ёрдамида жонлантириб намойиш этилади. Бугунги экологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда ҳайвонларнинг мутацияга учраши, қирилиб кетиши қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида ҳам

йўқ, “Назар” иловасини юклар олиб, телефонда истаганча виртуал саяхат қилиш мумкин. Ўзбек, рус, инглиз, француз тилларида хизмат кўрсатадиган бир иловадан фойдаланиш янада осонлаштириляпти. Энди уни юклар ҳам шарт эмас. Тўғридан тўғри сканер қилиш орқали экспонатларнинг 3D вариантини кўриш мумкин. Илова ёрдамида айрим макетларга ўрнатилган QR-код виртуал саяхатга етакляйди. Бу орқали Темирийлар тарихи давлат музейида туриб, Шахрисабздаги Оксарой биноси, Улғбек расадхонаси, Амир Темур мақбараси, Регистон майдони каби тарихий жойларни кўра оласиз.

### Давр билан ҳамқадам

Амалий санъат музейи ўзбек халқи қандай яшагани, нималардан фойдалангани, либослари ҳақида хикоя қилади. Чунки халқ амалий санъати, хунарамдчилигининг энг ноёб намуналари билан шу ерда танишасиз. Рангбаранглик кўзни қамаштиради. Оналаримиз, момоларимиз тиккан ниҳоятда бежирим каштаю сўзаналар ҳайратни оширади. Қисқаси, музейда даврларнинг ўзига хос хусусиятлари гавдаланади. 10 мингдан зиёд экспонатнинг мингта яқини намойиш этиляпти. Сайёҳлар, айниқса, бинонинг меҳмонхона залидан ажойиб таассурот олганини айтади. Фарб ва Шарқ меъморчилиги уйғунлиги, ганч ўймакорлиги, ёғоч ўймакорлиги, устулар, эшиклардаги безаклар машаққатли меҳнатдан сўзлайди. Смарт технологиялар аини музейга ҳам кириб келган. Мусиқа асбобларига ўрнатилган QR-кодлар билан чолгулар қандай куй таратишини билиб олиш мумкин. Энг муҳими, ёш хунарамдлар билан ерда иш ўрганаётган, талабалар амалиёт ўтаётти. Зеро, бу имкониёт уларга миллийлик, урф-одатларимиз, амалий санъатимизни кенг тарғиб қилишда кўмаклашади.

Абдулла Қаҳҳор уй-музейи раҳбари Санобар Матлубованинг айтишича, ҳозир уй-музейларида ҳам янги технологиялар билан ишлянапти. Улар орқали музей тўғрисидаги маълумот беш тилда бериб борилади. Ижтимоий тармоқларда уй-музейлар фаолияти кенг тарғиб қилинапти. Бу эса келувчилар сони ортишига, айниқса, чет элликлари ҳам жалб қилишга хизмат қилапти. Таъбирларни бир ҳафта олдидан тарғиб қилиш йўлга қўйилган, улардаги иштирок ҳам кенгайди. Маданий мерос агентлиги томонидан аудио-видео, планшетлар тақдим этилаётгани ўз-ўзидан янгилашга ундапти.

Вилоятлардаги музейлар ҳам аввалгидек эътибордан четда қолмай кетаётгани йўқ. Хусусан, Чирчиқ шаҳри тарихи музейи вилоятда ягона бўлган планетарий зали билан диққатга сазовор. Келувчиларни кўпайтириш мақсадида ҳар бир бўлимда видеоорликлар намойиш этиляпти. Музей ходимлари олийгоҳлар, маҳаллалар, мактабларга бориб, тарғибот таъбирлари ўтказяпти. 200 дан зиёд экспонатга QR-код ўрнатган. Экскурсия жараёни эса ҳар бир келувчининг истагидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириляпти. Болалар учун бола тилида, мактаб ўқувчилари учун алоҳида, сайёҳлар учун ҳам ўзига хос таништирувлар йўлга қўйилган.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

балиқчилар, қарқаралар, турналар, ўрдақлар, қаргалар, япалоққушлар оиласи, лочинсимонлар туркуми алоҳида-алоҳида жойлаштирилган. Микродиорамалар орқа фонида ҳам қушларнинг ҳаёт тарзига доир суратлар ҳам эгган. Музей асосий фондида сақланаётган 100 га яқин қуш тулумини кўришингиз мумкин.

“Антарктида жониворлари” номли экспозиция зали эса ўз номи билан Антарктидадаги жониворлар билан таништиради. Бу ерда пингвинлар ҳаётини акс эттирувчи суратлар билан бирга муз қоялари шакли жойлаштирилган. Йўқолиб кетиш хавфи остида деб ҳисобланган пингвинлар тулумини ушбу экспозиция залида учратасиз.

— Музейимизга асосан мактаб ўқувчилари, талабалар келади. Бугунги ёшлар музейи оид маълумотларни сўзсиз интернетдан қидиради. Шунинг учун уларни нима қизиқтираётгани хусусида кўп изланамиз. Музейга оид контентларни астойдил ўрганиб чиқиб, ўзимиз ҳам ранг-баранг контентларни кўпайтиришимиз кераклигини тушуниб етдимиз. Чунки бугун барча музейларда виртуал саяхат, уч ўлчамли голограмма, QR-код ёрдамида керакли маълумотларни олиш йўлга қўйилган.

### Темирий шаҳзодалар жонланяпти

Темирийлар тарихи давлат музейида жорий йилнинг аини вақтига қадар 20 мингдан зиёд хорижлик, 40 мингта яқин маҳаллий сайёҳ келган. Келувчиларга 4-5 тилда маълумот берилади. Энди бу ерда ҳам гидларга катта эҳтиёж

Музейларимизнинг ҳар бири ҳақида сўзлашга имкон йўқ. Нима бўлганда ҳам соҳада янги босқичга қадам қўйилляпти. Хали очиқ омон остидаги музейлардан сўз очмадик. Уларнинг ўзи алоҳида мавзу. Бой маданий меросимизни дунёга кўз-кўз қилиб турадиган, йиллар оша сақлаб келаётган музейларимиз ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Муаммолар ҳам аста-секин ҳал этилади.

### Муножат МЎМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

# Миллат фидойилари

# “ОҚ СЎТИМГА РОЗИМАН...”



Марғилон темир йўл вокзалидан ҳаракатланган поезд эрта тонгда Тошкент шахрига кириб келди. Мунаввар ая эсон-омон манзилга етиб келганидан кўнгли таскин топди. Ҳамсафарлари билан хайрлашиш асносида кутиб олиш учун чиққан ўғилларини излаб, вагон ойнасидан атрофга кўз югуртирди, қўлларини пешонасига соябон қилиб, узоқларга назар ташлади.

Уни кутиб олгани ўғиллари келмай қолиши мумкинлигини ҳам ҳис қилади. Келиш-масха бўлмайдди, бундай ҳолатларга кўникиб кетган. Чунки у ҳарбийлар оиласининг бекаси бўлган. Шу боис, ҳарбийликка хос тартиб-интизомни яхши билади. Турмуш ўртоғи Абдулхамид ака десантчилар қўшинида хизмат қилган. У бугун ораимизда бўлмаса-да, бу шарафли бурчи унинг ўғиллари Бахтиёржон, Баҳождирон, Бобуржон давом эттирмоқда...

— Хурматли йўловчилар, Андижон — Тошкент поезди биринчи йўлга келиб тўхтади”. Радиоюзелдан янграган овоз Мунаввар аяга янада куч бағишлади. Фарзандлари учун Марғилон бозоридан атайлаб олган ширмови кўлча, сархил мева, ширинликлар солинган

ҳарбий ўғилнинг тўй кунини белгилаш учун қудалар билан маслаҳатлангани келганди. Кўплайиб Баҳождироннинг тўй кунини белгиланди, Бобуржоннинг тўйи қудаларнинг илтимосига кўра куз фаслида ўтказилдиган бўлди...

— Келинимни бир кўриб кетай, — деди Мунаввар ая Бобуржоннинг бошини силаб. ...Белгиланган вақтда ҳарбий қисм олдига келган Мунаввар ая ўғилнинг имоси билан ўтказиш пункти олдидан ўтиб бораётган узун бўйли, қорасоч қизга оналарча меҳр-муҳаббат билан қараб қолди...

Оқ сўт бериб катта қилган фарзандлари бахту камоли, иқболдан кўнгли тўлган она олам-олам қувонч билан тўй тарадуҳида кўҳна Марғилонга қайтди...

Сурхон ёзининг иссиқ ифори димоғини чулғайди, қилт этган шабада йўқ. Аммо тоғли ҳудудларда ҳаво бир оз салқин. Дара томондан эсаётган майин шабада дилга хузур бағишляйди.

2000 йилнинг август ойи. Ана шундай мусавфой, осийишта кунларнинг бири эди. Сурхондарё вилоятининг Сарниосиё ва Узун туманларидаги тоғли ҳудудларга бир гуруҳ террорчилар бостириб кириб, юртимиз тинчлиги ва осийишталигига раҳна солишга урингани ҳақида хабар келди. Зудлик билан



хавфсизлик чоралари кўрилиб, ёт унсуларни сарҳадларимиздан қувиб чиқаришга киришилди. Босқинчиларга қарши қақшатиқ зарба берган ватан Ҳимоятчилари сафида лейтенант Бобуржон Ғаниев ҳам бор эди.

...Тўшдан сўнг ҳарбийларимиз Кичиктўра дараларини ўз назоратига олди. Тоғларда оқшом тез тушишини ҳисобга олиб, атрофини зулмат қопламасдан дарани кўздан кечириб, қулай нуқтани эгаллаш ҳақида буйруқ янгради. Бобуржон сафдошлари билан бир қоя ўнгларини кўздан кечира бошладди. Ердagi ўт-ўланларнинг топталгани унда шубҳа уйғотди. У барчани ҳушёрликка чақириб, жангга тайёр туришни буюрди. Шунда қоялар ортда пистирма қўйган душман тўсатдан ўт очди. Лейтенант оғир яраланган бўлишига қарамай, қуролдошлари билан бир сафда сўнгги на-

фасиғача босқинчиларга қарши жанг қилди. Террорчилар шу ернинг ўзиде ер тиллади. Афсус, уруш қурбонсиз бўлма экан...

Ғаламисларга қарши қурашайтган бошқа ҳарбий бўлимлар сафида Бобуржоннинг акаси Баҳождирон ҳам бор эди. У ўз қуролдошлари, жигарбанди жон берган нуқталарни аниқлаб, ҳарбий ёрдамчиларни қақшириш мақсадида ярим тунда тоғ дараси томон ёлғиз кўтарилиб, қаҳрамон ўғлонларнинг жонсиз таналарини олиб кетишга бош бўлди...

Маншум воқеа содир бўлгани ҳақидаги хабарни муноси онага айтиш ҳеч қанча осон эмас, албатта. Айниқса, бир кўрпа ичида узун-қалта бўлиб вояга етган, дилкаш, сунячиқдан айрилиш қанчалик оғир. Лекин начора...

Баҳождирон оstonага қадам қўйиши билан онасини бағрига босди.

— Кечингиз, уканимни асрай олмадим, — деди минг бор ютиниб. Мунаввар ая матонатли, иродали аёл бўлгани учун ўзини тутди, дилбандига далда бўлди.

— Бунда сенинг айбинг йўқ, — дея жавоб берди. — Сизларни ҳарбий хизматга жўнайтиб, оқ фотиҳа берганимда бунга яхши тушунганман, болам. Бобуржон беҳуда қурбон бўлмади. У ватан, юрт озолиги йўлида жон берди, берган оқ сўтимга розиман...

Мунаввар Ғаниева 85 баҳорини қарши олди. Ҳаёт сиюновларида тобланган матонатли она билан сўхбатлашиб, ватан, юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилган забардаст она қанчалик буюк қудратга эга эканини дилдан ҳис этди.

Бобуржон яшаган кўп қаватли уй олдига музей ташкил этилган. Бу ерда қаҳрамоннинг болалиқ, ёшлиқ, ўсмирлик, ҳарбий хизматчи бўлиш йўлидаги изланиш ва интилишлари ҳақида ҳам сонли, аммо қизиқарли маълумотлар жамланган. Экспонатлар қаторида қаҳрамоннинг қон излари қолган ҳарбий ашёлар эътиборни тортади. Аянинг айтганларини эшитиб, кўрсатганларини кўриб, бўғизимиз билан нима тиклгандек бўлди. Эшитилган-у, кўзим жижка ёшга тўлди, олис тоғли сарҳадларда душман билан беаёв олишган мардлар сиймоси кўз олдимида гавдаланди. Уткам, мард, жасур ўғлонлар билан ҳар қанча фахрлансанк арзийди.

### Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

# КИТОБ, МУТОЛАА, КУТУБХОНА

## КИМ АХБОРОТГА ЭГАЛИК ҚИЛСА, ДУНЁНИ БОШҚАРАДИ



Рустам БОЙТЎРА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

### Бошланиши 1-бегда

Технология ва рақамли ресурслар қанчалик ривожланмасин, кутубхоналар аҳолининг билимини ошириш, маънавиятни мустаҳкамлаш, тафаккурни миллий кутубхоналарда ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотгани йўқ. Айримлар технология ва рақамли ресурслар кутубхоналардан кўпроқ маълумотни жамлай олади, улардан фойдаланиш қулай ва осон деб билади. Аммо интернет, ижтимоий тармоқлар тавсия этаётган адоғи йўқ маълумот, ахборотнинг ҳаммасини ҳам ишончли деб бўлмайди. Кутубхоналардаги материаллар, адабиёт ва ресурслар эса синчиклаб танланади. Мана шу жиҳат уларнинг салоҳияти ва ишончилигини кафолатлайди.

Айни пайтда ҳақиқий кутубхоналардаги китобларда жамланган маълумотлар, бадиий, ижтимоий-сиёсий, илмий, илмий-оммабоп асарлар қизиқарли, ранг-баранг, сараланган ва энг муҳими, ишончли деб бемалол айта оламиз. “Ким ахборотга эгаллик қилса, у дунёни бошқаради” деган ғоира биринчи галда айнан шундай ишончли, сараланган маълумотга нисбатан айтаётган.

Тўғри, технология ва рақамли ресурслар шиддат билан ривожланипти, улардан фойдаланиш тобора осонлашиб, осонлашиб бормоқда. Лекин бу кутубхоналарнинг ўрни ва аҳамияти пасайганини билдирмайди. Асосий масала айримларнинг мутуролаага эътибори сусайганида, ўқиб-ўрганиши, маънавияти шаклланишида



кутубхоналарнинг таъсир кучини тўғри баҳолай олмаётганида. Ваҳоланки, бугунги кутубхоналар замон талабига мослашиб, замонавий технология воситалардан кенг фойдаланмоқда. Кутубхоналар турли китоблар жамланган муассаса сифатида жўн қараш аллақачон эскирган.

Шу ўринда академик Д.Лихачёвнинг куйидаги фикрларини келтириб ўтиш ўринли: “Дунёда нима содир бўлишидан, қандай ачинарли маданий йўқотиш юзага келишидан қатъи назар, агар йирик кутубхоналар ва архивлар сақлаб қолинса, маънавий ва моддий йўқотишлар ўрнини тўлдирishi мумкин”.

Ушбу мазму тадқиқотчилари хулосасига кўра, кутубхоналарнинг равақ топши, аҳолининг улардан имкон қадар кўп фойдаланиши давлатнинг моддий ва маънавий юксалганлиги ифодасидир. Зотан, бу энг масканларини ўтмиш ва келажак ўртасидаги ўзига хос кўприкка қийлаш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг “2020–2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори чиққани ҳам бежиз эмас. Чунки ҳозирги теккор даврда кутубхоналар ўқувчиларга самарали хизмат қилиш, айни пайтда ёшларни кутубхоналарга кўпроқ жалб этиб, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ахлоқий-тарбиявий, эстетик ва маданий жиҳатдан юксалтириш, ёш авлод таълим-тарбияси, билимини мунтазам бойитиш, салоҳиятини намоён этишга таъсир кўрсата оладиган ўзига хос ижтимоий институт сифатида баҳоланмоқда.

### Бир ярим асрлик зиё маскани

Фалсафа, дин, кино, театр, телевидение, муомтоз мусиқа ва адабиётлар, фольклор каби йўналишларга тармоқланган миллий маданиятни сақлаб қолиш, авлодларга етказишдек улкан масъулият миллий кутубхоналар зиммасига юкланган. Уларнинг ижтимоий мақоми ва бетакрор аҳамияти шундаки, барча тарихий босма нашрлар (китоблар, кўлэмалар, газета-журналлар, хариталар, нота, табрикнома ва ҳоказолар) асрлар бўйи сақлаб келинади. Булар — моддий ва маънавий дунёнинг кўзгуси. Уларни мунтазам мутуролаа қилиш давомида эл-юртимизнинг ўзига хос образи, тарихи, бугунги кунини тўлароқ аниқлаймиз.

Китобларга, мутуролаага ҳурмат-эҳтиромимиз зиё масканлари тарихига, бугунига бир қур назар ташлаш, сўз юритишга изн беради. Ҳозир юртимизда 13 мингдан зиёд кутубхона фаолият юритяпти. Улар орасида энг узоқ ўтмишга, энг бой фондга эгаси, шубҳасиз, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасидир.

Хизмат кўрсатиш қўлами, имкониятлари, фонди ранг-баранглиги, нодир қўлэмалари, фойдаланувчилари сони ва бошқа қатор жиҳатлари билан кутубхонамиз том маънода ўзи номи ва нуфузига муносиб. Ахборот ва маданий-маърифий муассасамиз кутубхоначилари, библиография, илмий-тадқиқот, илмий методик ва ахборот фаолиятини ҳам амалга ошириб келади. Айни пайтда кутубхонамиз фондида 8 миллион нусхадан ортиқ китоб мавжуд. Улар орасида ўта нодир қўлэмалар ва нодир нашрлар ҳам сақланади. Хусусан, XIII-XIX асрларда Мовароуннаҳр, Хуросон, Туркистонда битилган қўлэмалар, XIII-XVIII асрларда Европада чоп этилган тошбосма китоблар нодир маълумотлар манбаи сифатида ўта муҳим аҳамиятга эга. Ўлкамизда илк бора чоп этилган газета ва журналлар нусхаси ҳам нафақат тадқиқотчилар, балки оддий ўқувчилар учун ҳам қизиқарли, — дейди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг қўлэмалар, нодир ва алоҳида қийматга эга нашрлар хизмати раҳбари Ободбой Қиличбоев. — Бу ерда ўндан зиёд ўқув зали мавжуд. Улар асосан ёшлар ва талабалар учун, илмий адабиётлар, алоҳида қийматга эга нашрлар, миллий, хорижий адабиётлар, адабий мерос, юридик адабиётларга мўлжалланган алоҳида заллардир. Интернет ва медиа, электрон ўқув зали, диссертациялар, нота-мусиқа нашрлари каби ўқув залларимиз ҳам бор. Уларнинг шу тартибда ихтисослаштирилгани кўплаб қўлэмалар яратяпти. Бу керакли адабиётларни имкон қадар тез топиб, фойдаланиш учун жуда қулай.

Ободбой Қиличбоев билан суҳбатимиздан сўнг айрим ўқув залларини кўриш, фойдаланувчиларга яратилган имкониятлар билан танишиш истаги пайдо бўлди.

Тарихи давомида номи, мақоми бир неча бор ўзгарган бўлса ҳам кутубхона аҳолининг барча қатлами фойдаланиши учун ахборот, маълумотлар ресурсларини шакллантириш, йиғиш, тизимлаштириш, ёшидан қатъи назар, янги ўқувчиларни



### Маърифат

“Дониш аҳли таъкидлаганидек, китоблар бу — жамият. Яхши китоблар мисоли яхши жамият каби, яъни билим ва маърифатга, хушфелликка, эзгу ниятларга етакловчи энг ишончли дўст. Кутубхоналар эса жамиятимиз муҳитини янада гўзаллаштиришга хизмат қилувчи эзгу маскан бўлиб қолаверади.”

кўпроқ жалб этиш каби эзгу мақсадини сақлаб қолди. 2002 йилда Вазирлар Маҳкамасининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш тўғрисидаги қарори чиқди.

Узоқ йиллар турли бинода фаолият юритиб келган ушбу нуфузли кутубхона 2012 йилда ҳозирги муҳташам бинога кўчиб ўтди. Унинг тузилмаси янгилади, бўлимлари ва хизмат кўрсатиш ишлари такомиллаштирилди, шунга мос равишда вазибалари қўлами ҳам кенгайтирилди.

Миллий кутубхона бугун юртимиздаги барча ахборот-кутубхона муассасалари учун мувофиқлаштирувчи услубий марказ вазибаларини ўтаб келаётган. Табиийки, кутубхона нуфузини унинг тарихи, шунингдек, фонд қўлами, аҳолига хизмат кўрсатиш имкониятлари, моддий-техник базаси, халқаро ҳамкорлиги каби муҳим жиҳатлар ҳам белгилаб беради.

Хизмат кўрсатиш қўлами, имкониятлари, фонди ранг-баранглиги, нодир қўлэмалари, фойдаланувчилари сони ва бошқа қатор жиҳатлари билан кутубхонамиз том маънода ўзи номи ва нуфузига муносиб. Ахборот ва маданий-маърифий муассасамиз кутубхоначилари, библиография, илмий-тадқиқот, илмий методик ва ахборот фаолиятини ҳам амалга ошириб келади. Айни пайтда кутубхонамиз фондида 8 миллион нусхадан ортиқ китоб мавжуд. Улар орасида ўта нодир қўлэмалар ва нодир нашрлар ҳам сақланади. Хусусан, XIII-XIX асрларда Мовароуннаҳр, Хуросон, Туркистонда битилган қўлэмалар, XIII-XVIII асрларда Европада чоп этилган тошбосма китоблар нодир маълумотлар манбаи сифатида ўта муҳим аҳамиятга эга. Ўлкамизда илк бора чоп этилган газета ва журналлар нусхаси ҳам нафақат тадқиқотчилар, балки оддий ўқувчилар учун ҳам қизиқарли, — дейди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг қўлэмалар, нодир ва алоҳида қийматга эга нашрлар хизмати раҳбари Ободбой Қиличбоев. — Бу ерда ўндан зиёд ўқув зали мавжуд. Улар асосан ёшлар ва талабалар учун, илмий адабиётлар, алоҳида қийматга эга нашрлар, миллий, хорижий адабиётлар, адабий мерос, юридик адабиётларга мўлжалланган алоҳида заллардир. Интернет ва медиа, электрон ўқув зали, диссертациялар, нота-мусиқа нашрлари каби ўқув залларимиз ҳам бор. Уларнинг шу тартибда ихтисослаштирилгани кўплаб қўлэмалар яратяпти. Бу керакли адабиётларни имкон қадар тез топиб, фойдаланиш учун жуда қулай.

Ободбой Қиличбоев билан суҳбатимиздан сўнг айрим ўқув залларини кўриш, фойдаланувчиларга яратилган имкониятлар билан танишиш истаги пайдо бўлди.

Дарҳақиқат, интернет, Wi-Fi ва бошқа қатор технологик жиҳозлар ёрдамида жуда катта ҳажмдаги ахборот ва маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Бу нафақат китоблар, шунингдек, газета ва журналлар, аудиоматериаллар, электрон ресурслардан ҳам иборат. Улар илм-фаннинг турли йўналишларидан тортиб, санъат ва маданиятга оид ранг-баранг маълумотларни қамраб олган.

Гувоҳи бўлганимиздек, “Ўзбекистон”, “Қашиёт”, “Тафаккур” “Жаҳон”, “Истиқбол”, “Адолат” ўқув залларида фойдаланувчилар китоб жавонларидан ўзига зарур адабиётларни излаб топиши, керак бўлса, буюртма бериши, янги манбалар билан танишиши мумкин. Илмий адабиётлар, диссертациялар билан танишиш, шугуланиш имконини берадиган компьютерлаштирилган ўқув заллари ҳам замонавий кутубхоналар борасидаги тасаввурингизни ўзгартириб юборади.



Очиги, кутубхона фаолияти билан танишиш, китобхонлик, мутуролаа маданияти, унинг аҳоли тафаккурига катта ижобий таъсири каби маззунни ёритиш мақсадида бу зиё масканига шу пайтгача келмаганимдан хижолат тортидим. Ўшаштиш билан айтсам, Шароф Бобоқов қаламига мансуб “Темир хотин” драмасидаги бош образлардан бири Аломатхоннинг куйидаги гапларини ёдга солди:

“Бу дунёга келиб нима кўрдингиз, Қўчқор ака? “Икки марта Тошкентга борганман”, деб мактанасиз. Одамлар “Оқ денгизу Қора денгиз” қилиб юришибди! “Ха энди, улар бошқача одамлар-да”, дейсиз. Қанақа бошқача? Нимаси бошқача? Нахотки, оддийгина инсоний гурур бўлмасан? Шу даражага етгансизки, бора-бора ундайларга ҳавас ҳам қилмай қўйгансиз! Ҳавас қилавериб, орзу қилавериб чарчагансиз, ҳолдан тойгансиз! Қадр-қиммат-чи? Мен одам эмасман, лекин шуларни ўйлайвериб-ўйлайвериб, ичимдаги мурватларим қизиб кетяпти! Менчалик ҳам эмасмисиз, Қўчқор ака?!”

Албатта, бу асардаги воқеалар ўша тузумда жамиятдаги оддий меҳнаткаш аҳолининг ҳаёти, муаммолари, фикрлаш тарзи трагик комедия жанрида баён этилган. Бу ердаги ўшаш ҳолат моҳияти шундан иборатки, аввало, кўпчиликнинг китобга муносабати ҳатто роботлар мурватини қиздириб, куйдириб юборадиган даражада эканини тан олмай илоҳимиз йўқ. Қолаверса, умрида китоб ўқимаган, кутубхона, музей каби маданият ва маърифат масканларига ўзи ва фарзандлари билан бориш ўрнига юз эллик кило ош дамбаб тўй ўтказганино энг сўнгги русумдаги машина, янги ҳовли сотиб олгани



билан мақтанаш авжига чиққан. Аниқроғи, оддий ҳолатга айланиб, фикрлаш тарзи, дунёқараш даражасига айланиб бораётган. Бутун бойлигини, қимматбаҳо кийим-кечагино дангиллама уй-жойини бемалол кўз-кўз қилишни обрў, ҳавас,

ҳатто ақл деб биладиганлар оз эмаслиги ҳам бор гап.

Аслида, бутун жаҳон олимлари, зиёлилари ва умуман, ижодкорларнинг асрлар давомида тўплаб келинаётган сара асарларини ўқиб ўрганиш, ҳаётда қўллай билиш ёш авлод келажиги учун энг самарали капитал эканини англаш қийин эмас.

\*\*\*

Бу муаммо бугун кўп муҳокама қилинаётган мавзулардан бирига айланган. Таълим жараёнида ҳам фаол иштирок этаётган замонавий кутубхоналар эса ҳақиқий китобхонлар, илмга, маърифатга интилади-ганлар учрашиб, мулоқот, муҳокама қила-диган осуда масканга айланиб бораётган. Уларда муаллифлар билан ижодий кечалар, янги китоблар тақдироти каби маданий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказиб келина-ди.

— Миллий кутубхонамизга бир кунда 1500-2000 фойдаланувчи келади. Айрим тадбирлар ўтказиладиган кундан ҳам кўп одам тўпланади, — дейди Ободбой Қиличбоев. — Нафақат кўшни республикалар, ҳатто АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Ҳиндистон каби мамлакатлардан ҳам мутахассислар, олимлар келиб, кутубхонамиз фондидан фойдаланади. Жумладан, нодир, нодир, ўзига хос қийматга эга манбаларни буюртма бериб ўрганади. Кутубхонамиздан китобларни уйга олиб кетишга рухсат берилмайди. Электрон адабиётлар, ресурслар сони йил сайин кўпайиб бораётган бўлса-да, уларнинг ҳаммасини ҳам кўчириб олиш мумкин эмас. Булар кутубхонамизнинг, манбалардан фойдаланишнинг ўзига хос тартиб-қоидадан келиб чиққан ҳолда белгиланган. Шу билан бирга, айрим адабиётлар электрон вариантдан онлайн шаклда ҳам буюртма орқали фойдаланиш мумкин.

Миллий кутубхона фондидаги нодир ва албомлар тўғрисидаги айрим маълумотларнинг ўзбек илм-фанага қизиққан ҳар қандай кишида ҳайрат уйғотади. Улардан бири “Туркистон тўплами”дир. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондида сақланаётган энг нодир манбалардан бири бўлган маъруза тўпламга дастлаб даврий нашрлардан, баъзан эса алоҳида китобларда келтирилган мақолалар матнлари кесиб олиб жамланган. У Марказий Осиё тарихи, этнографияси, географияси, иқтисодий ва маданияти бўйича ўзига хос энциклопедия вазибаларини ўтади. Жами 594 жилдан иборат бўлиб, XIX асрнинг 70-йиллари бошидан 1917 йилгача бўлган даврдаги воқеаларни ўз ичига олади. Унда нафақат ўзбек, рус, шунингдек, қатор европа тилларида эълон қилинган маълумотлар ҳам бор. Яна бир қийматли жиҳати шундаки, “Туркистон тўплами” — тўлиқлиги ва мазмуни жиҳатидан ягона коллекция. У 2016 йили ЮНЕСКО “Жаҳон хотираси” дастурининг Осиё ва Тинч океани минтақаси даражасида тан олинди, тегишли ёрликка муносиб қўрилган.

### Яхши китоблар — яхши жамият демек

Дунё илм аҳли, зиёлилари бугун тобора аънава тусига қираётган усуллар (гаджету телефонлар, бошқа электрон воситалар) билан ўзлаштирилаётган маълумотлар етарли даражада эмас деган хулосага келмоқда. Китобларсиз таълим ҳам, тарбия ҳам оқсаб қолиши шубҳасиз эканини таъкидлаётган. Шу боис, китоб мутуролаасини мактабгача таълим ташкилоти, оила, мактаб, олий ўқув юртига мунтазам йўлга қўйиш шарт экани тарғиб этилмоқда. Зеро, китобларда дунё халқларининг кўп асрлик заковати, улкан билими ва таъриби жамланган.

Кутубхоналар, айниқса, Миллий кутубхонамиз маданий-маърифий макон ва муҳитни шакллантиришда муҳим ўрин тутяди. Нафақат китоблар мутуролааси, шу билан бирга, ўтказилаётган тадбирлар — маърузалар, шoir ва ёзувчилар, адабиётшунослар иштирокидаги адабий кеча, кўргазмалар жамиятнинг маданий ривожланишига кўмаклашади. Илмга қизиққан инсонлар учрашиб, янги ғоя ва таъриба алмашадиган бундай зиё масканларини ижтимоий ҳаёт маркази деб баҳолаш муболага бўлмайди. Қолаверса, келажак ахборот ресурсларини бошқариш учун аса яратилади.

Дониш аҳли таъкидлаганидек, китоблар бу — жамият. Яхши китоблар мисоли яхши жамият каби, яъни билим ва маърифатга, хушфелликка, эзгу ниятларга етакловчи энг ишончли дўст. Кутубхоналар эса жамиятимиз муҳитини янада гўзаллаштиришга хизмат қилувчи эзгу маскан бўлиб қолаверади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”  
газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида сақланади.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРК” НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-646.  
36191 нусхадан босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулларида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРК” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Боборовшан Ғозиддинов  
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 23:10 Тошридри — 01:05